

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/05.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

КАЗИМОВ ЖАМШИД ШАМШИДИНОВИЧ

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА
БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021 йил

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
Philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Казимов Жамшид Шамшидинович

Умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия жараёнларини ташкил
этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш..... 3

Казимов Джамшид Шамшидинович

Совершенствование организации и управления учебным процессом в
общеобразовательных школах 29

Kazimov Jamshid Shamshidinovich

Improving the organization and management of the educational process in
general education schools..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 61

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/05.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

КАЗИМОВ ЖАМШИД ШАМШИДИНОВИЧ

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА
БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ped493 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турғунов Собитхон Тошпўлатович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Максуд Абдуллаевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Азимова Зиёдахон Эргашевна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Чирчиқ давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/05.06.2020.Ped.76.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 161-уй. Тел.: (998-69) 228-85-01; факс: (998-69) 228-85-02; e-mail: info@namdu.uz)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (998-69) 227-29-81)

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

М.Б.Артикова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, п.ф.д., (DSc), доцент

М.А.Асқарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

З.Э.Азимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг тараққий этган давлатларида шахс, давлат ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган таълим сиёсати ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсни тарбиялаш учун ўқувчиларда билим олишга ва янгиликларни пухта ўзлаштиришга эҳтиёжни, асосий ўқув-илмий, умуммаданий билимларни, миллий ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, ижодий фикрлаш, атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришни назарда тутмоқда. Шу нуқтаи назардан юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашда таълим-тарбия жараёнларининг изчиллиги, узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш механизмларини ҳамда ушбу жараён самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш долзарб ҳисобланмоқда.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш жараёнларида қўлланилаётган методлар ва ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, таълим муассасаларида ташкил этиладиган дарс ва дарсдан ташқари таълим жараёнларини мураккаб педагогик тизим сифатида кўриб чиқиш ҳамда таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини педагогик тизим хусусиятларига мувофиқ такомиллаштириш зарур. Барча мамлакатларда таълим соҳасида олиб борилаётган изчил ислохотлар умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнларини тизимли ёндашув асосида тубдан такомиллаштиришда объектив эҳтиёжга айланмоқда.

Республикамизда «жисмонан соғлом, рухий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш»¹ масалалари устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган, бу вазифаларни амалга ошириш раҳбарлар ва педагог ходимларнинг таълим-тарбия жараёнларини тадқиқий ва таҳлилий йўналишларга эга бўлган мураккаб педагогик тизим сифатида кўриб чиқиш заруратини белгилайди. Ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш йўналишларида белгилаб берилган устувор вазифалар мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, сифат ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисида, 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2017 йил 6 апрелдаги ВМ-187-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

сон қарор «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида», 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3289-сон «Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда таълим жараёнлари самарадорлигини таъминлашнинг айрим йўналишлари бўйича қатор олимлар тадқиқотлар олиб боришган, жумладан, умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш муаммолари йўналишида Р.Х.Джураев, Р.Ш.Ахлидинов, Ш.Э.Қурбонов, Э.А.Сейтхалилов, М.Мирқосимов, У.И.Иноятов, Х.Ф.Рашидов, С.Т.Турғунов, Ж.К.Фозилов, М.А.Йўлдошев, Н.С.Мамадов каби мутахассислар томонидан ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимларидан Н.П.Дерзкова, Т.М.Давыденко, Ю.В.Васильев, Ю.П.Березуцкой, В.С.Лазарев, А.М.Моисеев, М.М.Поташник, В.П.Симонов, П.И.Третьяков, Т.И.Шамова ва бошқалар таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришга оид муаммоларни ўзларининг тадқиқот ишларида атрофлича таҳлил қилишган.

Хорижий мамлакатларда F.Taylor, R.Owen, D.McGregor, D.N.Harris, U.Klusmann, P.Gates, T.Hyland, R.Yeomans, D.Thiessen каби файласуф, социолог, педагог, психолог олимлар томонидан таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш, бошқариш ҳамда ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича махсус изланишлар олиб борилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Кўкон давлат педагогика институтининг 2019 йил 30 январдаги 6-сонли Илмий Кенгаш йиғилишида тасдиқланган “Инновацияларни таълим тизимига жорий этишнинг муаммо ва ечимлари” ялпи мавзуси асосида “Умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш” илмий тадқиқот мавзуси тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади УЎТМда таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

УЎТМда ташкил этиладиган таълим ва тарбия жараёнларининг тизимга хос хусусиятларини аниқлаш;

УЎТМда ташкил этиладиган таълим ва тарбия жараёнлари самарадорлиги индикаторларини субъектлар фаолиятини баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқлаштириш;

УЎТМда ташкил этиладиган таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш;

УЎТМда таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш жараёни моделини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётга татбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти УЎТМда таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети УЎТМда таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш технологиялари, механизмлари, функция ва методлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Педагогик, психологик ва методик манбаларни таҳлил қилиш, суҳбат, кузатиш, анкета сўрови, тест, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба-синов ишлари, ахборотлар тўплаш, маълумотларни умумлаштириш ва қайта ишлаш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

УЎТМда ташкил этиладиган таълим ва тарбия жараёнларининг хусусиятлари ўзаро боғлиқлик, алоқадорлик, изчиллик, узвийлик, объективлик, интегративлик ва процессуал омиллар нуктаи назаридан аниқлаштирилиб, педагогик тизимга хос хусусиятлари кўра ўқувчиларга билим бериш жараёнлари, касб-хунарга йўналтириш, ижодий фикрлашга ўргатиш каби замонавий ёндашувларни татбиқ этиш механизмлари такомиллаштирилган;

УЎТМда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнлари самарадорлигини аниқлаш индикаторлари сифатида ўқувчиларда ўқув мотивлари, таълимий эҳтиёжлар, коммуникатив ва рефлексив фаолият кўникмаларини шакллантириш ҳамда ўқитувчиларнинг бошқарув йўналишидаги таълим ва тарбия жараёнларини илмий асосларда ташкил этишнинг касбий компетентлиги даражалари белгиланиб, мазкур компонентларга кўра баҳолаш кўрсаткичлари такомиллаштирилган;

таълим ва тарбия жараёнларининг тез ўзгарувчан хусусиятларига кўра ўқувчиларнинг фаоллигини таъминлашга хизмат қилувчи олдиндан кўриш-режалаштириш, мотивлаштириш, мувофиқлаштириш, назорат ва ахборот-таҳлил каби бошқарув функцияларини татбиқ этиш технологиялари аниқлаштирилиб, таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни амалга оширувчи механизмлар сифатида такомиллаштирилган;

УЎТМда таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш жараёни модели педагогик тизимда сифат ва самарадорликни таъминлаш механизмлари бошқарув функциялари ва методларидан самарали

фойдаланиш ва амалиётга татбиқ этиш йўналишларини белгилаш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари, педагог ходимларининг масъулияти ва касбий компетентлигини шакллантириш ҳамда ривожлантириш йўналишларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш шартлари такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари, педагог ходимлар ва ўқитувчиларнинг педагогик ва бошқарув фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилувчи жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш модели жорий этилган;

умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари, педагог ходимлар ва ўқитувчилар фаолиятини ривожлантириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш воситалари таклиф этилган;

умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари, педагог ходимлар ва ўқитувчиларни таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришга тайёрлаш бўйича ўқув дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мамлакатимиз ва хорижий давлатларда амалга оширилган педагогика соҳасидаги илмий-тадқиқот методларига асосланганлиги, қўлланилган усуллар, илмий муомалага киритилган янги маълумотлар, келтирилган таҳлиллар, хулосалар ва тавсиялар тадқиқотнинг мақсади, вазифаларига мос келувчи замонавий илмий методология ва бошқарув назариясига мувофиқлиги билан изоҳланади, шунингдек, раҳбарлар ва педагог ходимларнинг функционал вазифаларидан келиб чиқиб, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишнинг мазмун-моҳияти ҳамда уни ташкил этиш ва бошқаришга тизимли ёндашув технологиясини амалиётга татбиқ этиш самарадорлиги кенг миқёсда ўтказилган педагогик тажриба-синов ишлари жараёнида ўз тасдиғини топган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илмий асослаб берилган маълумотлар, таклиф этилган методлар, технологиялар ҳамда тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган дастур, модел ва тавсиялар илмий ходимлар томонидан қўлланилган, услубий тавсиялар тайёрлашда, таълим муассасаси раҳбарлари ва педагог кадрлар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш тизимлари мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалардан олий таълим муассасалари талабалари ҳамда таълим муассасалари раҳбарлари ва педагог кадрлар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш курси тингловчилари учун педагогика ва бошқарув йўналишида ташкил этиладиган ўқув машғулотларида, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳудудий тузилмалари фаолиятида қўллаш учун тавсиялар бериши билан ҳам тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. УЎТМда таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш йўналишида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

УЎТМда таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сон қарори 3-илоvasи билан тасдиқланган «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича малака талаблари»да белгиланган коммуникатив, ахборотлар билан ишлаш, ўзини-ўзи ривожлантириш, миллий ва умуммаданий каби таянч компетенцияларни шакллантиришга хизмат қилган (Республика таълим марказининг 2020 йил 10 ноябрдаги 01/11-03/03-1293-сонли маълумотномаси). Натижада давлат таълим стандартига мувофиқ умумий ўрта таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда, раҳбар ва педагог ходимлар ҳамда ўқитувчиларнинг масъулияти ва касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини шакллантириш йўналишлари белгиланган;

УЎТМда таълим-тарбия жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш ва бошқаришга оид муаллифлик ҳоjларидан Қўқон давлат педагогика институтининг 2019 йил 30 январдаги 6-сонли Илмий Кенгаш йиғилишида тасдиқланган “Инновацияларни таълим тизимига жорий этишнинг муаммо ва ечимлари” ялпи мавзуси асосида олиб борилган ҳамда Ф1-ХТ-0-020452-рақамли «Дарс интизомига салбий муносабатдаги болаларга нисбатан конструктив таъсир этишнинг назарий ва методологик асослари» фундаментал (2012-2015 йиллар) тадқиқот лойиҳаларида фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2020 йил 10 ноябрдаги 01/11-03/03-1293-сон маълумотномаси). Натижада дарс интизомига салбий муносабатдаги болалар билан ишлаш ҳамда педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш, сифат ва самарадорлигини ошириш механизмлари такомиллаштирилган;

УЎТМда таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларини тайёрлашга оид муаллиф таклифлари ва ҳоjларидан Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 10 августдаги «Халқ таълими тизимида узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш ва илмий-методик хизматни такомиллаштириш тўғрисида»ги 258-сонли буйруғи 1-илоvasи билан тасдиқланган «Халқ таълими тизимида узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш тўғрисида Низом»ни тайёрлашда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2020 йил 10 ноябрдаги 01/11-03/03-1293-сон маълумотномаси). Натижада УЎТМлари раҳбарлари

ва педагог ходимларнинг таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари модели стратегик ёндашув асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 11 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий қисми ҳажми 127 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Таълим ва тарбия жараёнларининг тизимга хос хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида умумий ўрта таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнлари педагогик тизим сифатида, таълим-тарбия жараёнларининг педагогик тизимга хос хусусиятлари, умумий ўрта таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнларининг самарадорлик индикаторлари каби масалалар илмий жиҳатдан асосланган.

Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда педагогик тизимнинг ташқи муҳит ва бошқа тизимлар билан ўзаро таъсир этиш хусусиятларига кўра мактабларда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнлари, яъни маъруза, семинар, амалий машғулот, тўғарак машғулотлари, экскурсия, давра суҳбати, учрашувлар, фанлар бўйича ташкил этиладиган мусобақа ва танловлар, санъат фестиваллари, конференция, ва бошқа турли йўналишлардаги тадбирлар (педагогик таҳлил, ўзаро дарс кузатиш, устоз-шогирд тизими, маслаҳатлар), мустақил таълим, ўзини ўзи тарбия, мустақил маълумот, мустақил ишлар, тарбиявий муносабатлар жараёни (инсон-инсон, инсон-техника-инсон, инсон-китоб-инсон, инсон-табиат-инсон, инсон-санъат-инсон муносабатлари),

хамда педагогик тажриба-синов ва педагогик амалиёт жараёнлари мажмуи хамда уларнинг боғлиқлиги педагогик тизимни ташкил этади.

Маъруза машғулотларини мураккаб ва кўп даражали жараён сифатида изоҳлашда қуйидаги бир қатор хусусиятларни уларга хос хусусиятлар деб ҳисоблаш мумкин: диалектиклик, даврийлик, асосланганлик даражаси, ихтилофлилик, аҳамиятлилик, таваккалчилик, таълим методларини тавсифлаш қобилияти, вазиятларга алоқадорлилик, таркибий тузилишга эгаллиги (структуравийлик), бошқарувчанлик, ижтимоий мўлжалланганлик, табақалаштириш қобилияти, интегративлик.

Мақтабларда ташкил этиладиган таълим ва тарбия жараёнларининг асосий шаклларида бири ҳисобланган семинар машғулотларининг хусусиятлари сифатида мазкур жараёнда ўқувчилар ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнини вужудга келтириш имкониятларининг кенглиги, ўзаро таъсир жараёнида вужудга келаётган вазиятларга боғлиқ ҳолда ўқувчилар мулоқотнинг турли хил услубларидан фойдаланишни ўрганиши, коммуникатив кўникма ва малакаларни ўзлаштириши, энг асосийси ўқувчиларда индивидуал психологик хусусиятлари турлича бўлган инсонлар билан мулоқот қилиш, яъни ўзининг коммуникатив услубларини ишлаб чиқиш ва индивидуаллигини англаш каби кўникмалар шаклланишини келтириш мумкин.

Таълим-тарбия жараёнлари самарадорлигини таъминлашда ўқувчиларнинг мустақил ишлаши ва мустақил ўрганиши учун алоҳида топшириқлар бериш ва унда уларнинг бошланғич тушунчалари даражасини хамда мойиллигини ўрганиш, таҳлил қилиш асосида берилаётган топшириқларни бажаришга уларда қизиқишни шакллантириш ўзига хос аҳамият касб этади.

УЎТМда ташкил этиладиган таълим ва тарбия жараёнлари самарадорлиги индикаторлари сифатида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши даражаси, ўқув мотивларининг шаклланганлик даражаси, дарсга ижобий муносабатда бўлиши, дарс жараёнларида фаоллиги, рефлексив фаолият кўникмалари шаклланиши ва ривожланиб бориш даражаси, илмий ва ижодий дунёқарашининг ривожланиб бориш даражаси, ўқувчи ва ўқитувчилар билан мулоқотга киришиш даражасининг ривожланиб бориши, ўқувчиларнинг олган билимлари, замонавий техника ва ахборот технологияларидан фойдалана олиши даражаси, чет тилларига қизиқиши ва ўрганиш даражасининг ўсиши, янгиликларга қизиқиши ва уни ўрганишга интилиши даражаси ҳамда ўқитувчиларнинг маълумотлар ва ахборотлар тўплаши ва улар билан ишлаш даражаси, шунингдек, педагогик маҳорати ва касбий қобилиятларининг ривожланиш даражаларини келтириш мумкин. (1.2-расм).



1.2-расм. Таълим ва тарбия жараёнлари самарадорлиги индикаторлари

“Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш технологиялари” номли иккинчи бобда замонавий ёндашув технологиялари асосида таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш, бошқариш, мувофиқлаштириш ҳамда таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш, бошқаришни такомиллаштириш механизмлари кенг ёритилган.

УЎТМда ташкил этиладиган таълим-тарбиявий аҳамият касб этувчи барча жараёнлар яхлит мураккаб педагогик тизим сифатида кўриб чиқилиши зарур, яъни ўзаро алоқалари ва боғлиқлигига кўра уларни яхлит ҳолда тасаввур қилиш керак.

Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш, бошқаришда ўқувчилар фаоллигини таъминлаш ва аниқ мақсадларга кўра белгиланган вазифаларни бажаришга уларни мотивлаштириш жараёнларида шахсий фаолият ёндашуви муҳим ҳисобланади.

Мазкур ёндашувда шахс ва унинг фаолияти ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганилади, бу ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш жараёнларида ўқувчилар фаоллигини таъминлашга эътибор қаратилади, ўз навбатида, ўқувчининг субъект сифатидаги фаоллиги, мустақил, эркин, танқидий, таҳлилий ва самарали фикрлашининг ривожланиши орқали аниқланади.

Ўқувчининг субъект сифатидаги фаоллиги, мустақил, эркин, танқидий, таҳлилий ва самарали фикрлашининг ривожланишини аниқлашда таълим ва тарбия жараёнларининг тез ўзгарувчан хусусиятларини инобатга олиш зарур бўлади. Таълим ва тарбия жараёнларининг тез ўзгарувчан хусусиятлари ўқувчининг маълум бир шароитдаги ички ва ташқи вазиятларга кўра фаоллигини таъминлаш мазкур жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларига вазиятли ёндашувни татбиқ этишни назарда тутди.

Демак, таълим ва тарбия жараёнларида вужудга келаётган вазиятларга кўра ўқувчилар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш энг самарали усуллардан бири ҳисобланади, бунда вазиятли ёндашув таълим ва тарбия жараёнлари самарадорлигини аниқ вазиятларга кўра аниқлашни кўзда тутди.

Бизнинг фикримизча, вазиятли ёндашувнинг ўзига хос жиҳатларини кўйидаги йўналишларда кўриш мумкин: таълим-тарбия жараёнининг вазиятларини таҳлил қилиш асосида муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммоларни аниқлаш; эришиладиган натижаларнинг самарадорлигини турли вазиятларга кўра олдиндан белгилаш.

Аниқ вазиятларга кўра таълим ва тарбия жараёнларининг самарадорлигини таъминлаш учун вазиятли ёндашув технологиясини татбиқ этишда:

– таълим ва тарбия жараёнларида вужудга келаётган вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш;

– эришиш мумкин бўлган натижаларни сурункали вужудга келадиган турли педагогик вазиятларга кўра олдиндан белгилаш;

– таълим ва тарбия жараёнларига таъсир кўрсатувчи омилларни ҳамда вужудга келиши мумкин бўлган вазиятларни олдиндан тасаввур қилиш асосида ўқувчилар фаолигини таъминлаш воситаларини танлаш муҳимдир.

Таълим ва тарбия жараёнларида жалб этиладиган сарф-харажатлар, яъни вақт, ортиқча меҳнат, қўшимча методик маҳсулотлар ва воситаларнинг меъёрдан ортмаслигини таъминловчи мавжуд вазиятлар ва шарт-шароитларни вужудга келтиришда мувофиқлаштирилган ёндашув технологияларини татбиқ этиш ўзига хос илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Бундай технологияларнинг амалиётга татбиқ этилиши таълим ва тарбия жараёнларида сарф этиладиган меҳнат ва вақтни иқтисод қилишга хизмат қилади ҳамда таълим ва тарбия жараёнларида фақат ўқитувчининг фаол бўлишини бартараф этиш асосида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишга имконият яратилади.

Демак, таълим ва тарбия жараёнларига яна бир ёндашув – ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишга хизмат қилувчи ижодий ёндашув татбиқ этилади.

Амалиётга асосланиб айтиш мумкинки, таълим ва тарбия жараёнларининг аҳамияти унинг натижавийлигида ўз ифодасини топади, натижавийлик эса ўқувчиларнинг дарс жараёнидаги фаоллиги ҳамда турли ривожланишларда ифодаланади.

Демак, таълим ва тарбия жараёнларида эришилган натижаларнинг кўлами ва динамикасидан қатъий назар, таълим ва тарбия жараёнларини уларга асосан лойиҳалаштириш ва амалга ошириладиган ишларни ҳамда қўлланиладиган методларни олдиндан режалаштириш натижалар бўйича бошқарув технологиясини татбиқ этишда ўз ифодасини топади.

Натижалар бўйича бошқарув тушунчаси ривожланиш тизими сифатида таълим ва тарбия жараёнларида ўқувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг фаоллигини таъминлаш асосида аввал эришилган натижаларни ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлар мажмуини ифодалайди.

Илмий ёндашувлар асосида таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бошқарувнинг қатор функция ҳамда методларидан фойдаланиш заруратини белгилайди.

Ўқитувчилар томонидан таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда бажариладиган ишларнинг мазмун-моҳияти ва йўналишига кўра айтиш мумкинки, таълим ва тарбия жараёнларини режалаштириш ва ташкил этиш функцияларидан қуйидаги жараёнларда фойдаланилади:

- таълим ва тарбия жараёнларини режалаштириш;
- ўқувчилар учун зарурий шарт-шароитларни яратиш;
- ўқувчиларнинг имкониятлари даражасида вазифалар тақсимлаш;
- ўқувчилар фаоллигини таъминлаш.

Шунингдек, таълим ва тарбия жараёнларида ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда фаоллигини таъминлаш ва таълим олишга қизиқишини шакллантириш асосида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда мотивлаштириш функцияси амалга оширилади.

Олдиндан лойиҳалаштирилган натижаларга эришиш учун ўқувчиларнинг имкониятларига кўра уларнинг умумий манфаатларини мавжуд эҳтиёжларга кўра уйғунлаштириш ҳамда таълим ва тарбия жараёнларида вазиятларга кўра уларнинг фаоллигини таъминлашда мувофиқлаштириш функцияси амалга оширилади.

Таълим ва тарбия жараёнларида ўқувчилар фаоллигини вазиятларга кўра мувофиқлаштириш учун ўқувчиларнинг бошланғич тушунчалари даражаси, қизиқишлари, шунингдек, мазкур жараёнларнинг мураккаб томонларини ўрганиш жараёнида назорат функцияси педагог ходимлар томонидан амалга оширилади.

Таълим ва тарбия жараёнларида таълим-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ишончли маълумотлар, янгиликлар оқими билан таъминлаш жараёнида ўқитувчилар томонидан ахборот-таҳлил функцияси амалга оширилади.

Таълим ва тарбия жараёнларида ўрганиладиган тушунчаларнинг зарурияти, аҳамияти ҳамда мазмун-моҳиятини ўқувчиларнинг бошланғич тушунчаларига боғлиқ ҳолда тушунтириш, ўқувчилар қизиқишини ривожлантириш асосида фаоллигини таъминлаш мақсадли-мотивлаштириш функциясини амалга оширишда ўз ифодасини топади.

Таълим ва тарбия жараёнларини лойиҳалаштиришда ўқувчилар учун қулай бўлган ўзаро таъсир жараёнини, инновацион таълимий муҳитни вужудга келтириш йўналишларида вазифалар белгиланиши жараёнида педагог ходимлар томонидан олдиндан кўриш-режалаштириш функцияси амалга оширилади.

Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда ўқувчилар фаоллигини таъминлашга қаратилган бир неча усул ва шаклларни ўз ичига олган ўқувчиларга мос қуйидаги ижодий ёндашувларни кўрсатиш мумкин:

– инновацион ёндашув: таълим ва тарбия жараёнларида ўқувчиларнинг ташаббуси ва улар томонидан таклиф этилган янгиликларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни рағбатлантириш асосида барча учун қулай ижодий таълимий муҳитнинг ривожланишига хизмат қилади;

– рефлексив ёндашув: ўқувчиларнинг имкониятлари ва бошланғич тушунчалари даражасини ўрганиш, таҳлил қилиш, объектив баҳолаш асосида ўқувчиларининг эришиши мумкин бўлган ҳамда эришилган ютуқларни таққослаш орқали фаоллигини таъминлашни назарда тутати;

– мақсадли ёндашув: эришилиши зарур бўлган натижаларнинг ўқувчилар томонидан олдиндан мустақил аниқланиши ва кўзланган натижаларга эришиш йўналишлари келишиб олиниши демакдир;

– натижавий ёндашув: натижага эришиш учун бажариладиган стратегик вазифалар белгилаб олинишини англатади, бу ёндашув аниқ муддатли режа асосида вазифалар белгилаш, назорат қилиш, рағбат ва топшириқлар бериш лойиҳаларини олдиндан шакллантиришни талаб қилади;

– индивидуал ёндашув: ўқувчининг мустақил ишлаш имконияти, қобилияти ҳамда берилаётган топшириқ йўналишида бошланғич тушунчалари даражаси, эҳтиёжи ва қизиқишларига кўра топшириқлар тақсимлашни назарда тутати;


– мувофиқлаштирилган ёндашув: ўқувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжлари даражасини инобатга олган ҳолда рағбатлантиришни кўзда тутати.

Бу ёндашувлар таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг илмий асосларда ташкил этувчи унсури ҳисобланади, яъни ижодий ёндашувга хос хусусиятлар ҳисобланади. Келтирилган ёндашувлар ихтиёрий таълим ва тарбия жараёнида ёки мазкур жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларида вужудга келиши мумкин бўлган барча вазиятларда универсалликка даъвогар бўла олмайди.

УЎТМда таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш жараёнида ўқувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш воситаларидан фойдаланиш усуллари ҳам таълим ва тарбия жараёнларини такомиллаштириш механизмлари сифатида кўрсатиш мумкин. Яъни таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш механизмлари, бир томондан, таълимий, ўқув, дастурий, информацион, дидактик, назорат-таҳлил ва ташхис воситалари мажмуи ҳисобланса, иккинчи томондан, у таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни амалга оширувчи технологик механизм ҳисобланади.

УЎТМда таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш жараёнларини инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришда эришиш зарур бўлган мақсадлар йўналишида ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш кўп жиҳатдан мавжуд мотивларга ва мотивлаштиришга боғлиқ бўлади.

Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш йўналишида белгиланган талаблар ва юқорида келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, УЎТМда таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш моделини куйидагича тасвирлаш мумкин (2.1-расм)



2.1-расм. Таълим ва тарбия жараёнларини ташқил этиш ва бошқариш жараёни модели

Биз таклиф этаётган модел таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда, энг аввало, стратегик режалар асосида бажарилиши зарур бўлган вазифаларни ўқитувчилар томонидан аниқлаштиришни кўзда тутиб, ўқувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш асосида таълим ва тарбия жараёнлари самарадорлигини таъминлашда бошқарув функциялари ва методларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этишини ифодалайди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш фаолиятига тайёрлаш”** деб номланиб, унда педагогик тажриба-синов иши ўзаро боғлиқ бўлган таҳлилий, тайёрлов, ташхис, таълимий ва якуний босқичларда ташкил этилди.

Педагогик тажриба-синов ишининг таҳлилий босқичи ҳисобланган биринчи босқичида УЎТМ ўқитувчиларининг фаолияти ва уларнинг таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги тушунчалари таҳлил қилинган.

Тажриба-синов ишининг тайёрлов босқичи ҳисобланган иккинчи босқичида: тажриба-синов ишининг мақсади, вазифаси ва кўзланаётган натижалар шакллантирилди; тажриба-синов ишларининг объектлари аниқланди, унинг натижаларини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари белгиланди; ўқитиш технологиясининг мониторинги ва баҳолаш дастурлари ишлаб чиқилди; ахборотларни тўплаш, уларга ишлов бериш методи ва воситалари танланди.

УЎТМ ўқитувчилари учун ташкил этилган педагогик тажриба-синов иши жараёнида УЎТМ ўқитувчиларининг таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги тушунчаларини ривожлантириш учун фойдаланилган ўқув дастурининг самарадорлигини эксперт баҳолаш ёрдамида текширилди ҳамда мазкур ўқув дастурини қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнига татбиқ этиш имкониятлари аниқланди ва таклиф этилаётган тушунчаларни ўқитишнинг энг қулай ва самарали бўлган шакл ва методлари аниқланиб, тавсиялар ишлаб чиқилди.

Педагогик тажриба-синов жараёнининг асосий натижалари сифатида фойдаланилган ўқув дастурининг самарадорлигини тасдиқлаш, шунингдек, УЎТМ ўқитувчиларининг таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги тушунчаларини ривожлантириш кўзланган бўлиб, мазкур жараённинг учинчи босқичида назарий тадқиқотлар жараёнида фойдаланилган ўқув дастурига ўқитувчиларнинг муносабатлари ўрганилди, бунда олдиндан ишлаб чиқилган баҳолаш кўрсаткичларига асосан эксперт баҳолаш амалга оширилди. Экспертлар сифатида Наманган шаҳар ва Чортоқ туманининг жами 391 нафар ўқитувчилари, Фарғона вилояти педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг 171 нафар тингловчилари, 21 нафар институт ўқитувчилари ҳамда Бухоро вилояти педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг 248 нафар тингловчилари, 18 нафар институт ўқитувчилари, жами 849 нафар экспертлар иштирок этди.

Таклиф этилаётган мавзуларнинг аҳамияти, долзарблиги, самарадорлиги ва бошқа барча кўрсаткичлар экспертлар томонидан 3 балли тизимда: 3 балл – тўлиқ мос келади; 2 балл – қисман мос келади; 1 балл – мос келмайди каби мезон асосида баҳоланди. Ўқув дастурида келтирилган мавзуларнинг белгиланган кўрсаткичларга мос келиши, яъни экспертлар томонидан кўйилган балларга, яъни баҳолаш натижаларига асосан самарадорлигини аниқлашда 9-иловада келтирилган шартлардан фойдаланилди.

Таклиф этилаётган дастурнинг мавзулари бўйича экспертлар томонидан баҳоланган балларни умумлаштириб формулалар (10-илова) ёрдамида ҳисоблаб чиқилганда олинган натижаларнинг кўрсатишича (11-илова), баҳолаш кўрсаткичлари бўйича ўртачаси $K_v=1,92$ бўлиб, мавзуларнинг баҳолаш кўрсаткичларига мос келиш даражаси $E_{mk}=96,1\%$ ташкил этди ва тадқиқотлар жараёнида фойдаланилган ўқув дастури ва унда келтирилган мавзуларнинг барчаси умумий ҳолда белгиланган талабларга тўлиқ мос келиши тасдиқланди.

Педагогик тажриба-синов ишларининг таълимий босқичи бўлган тўртинчи босқичда қисқа муддатли малака ошириш курсларини бошланишидан олдин таклиф этилаётган ўқув дастурига мос равишда тайёрланган тест саволлари (2-илова) бўйича ўқитувчилар ўртасида кириш тест синовлари ўтказилди, тест синовлари натижаларига кўра тингловчиларнинг бошланғич тайёргарлик даражаси аниқланди ва мазкур натижаларга кўра уларни гуруҳларга бўлинди. Кириш тест синовларида юқорироқ кўрсаткичга эга бўлган ўқитувчилар назорат гуруҳларига, пастроқ балл тўплаган ўқитувчилар тажриба гуруҳига бириктирилди. Фарғона шаҳри 12-сонли умумий ўрта таълим мактабида 22 нафар ўқитувчилар Н1 – биринчи назорат гуруҳи ва Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги 1-сонли умумий ўрта таълим мактабида 20 нафар ўқитувчилар Н2 – иккинчи назорат гуруҳи сифатида, Андижон шаҳар 5-сонли умумий ўрта таълим мактабида 26 нафар ўқитувчи Т1 – биринчи тажриба гуруҳи, Наманган шаҳар 8-сонли умумий ўрта таълим мактабида 22 нафар ўқитувчилар Т2 – иккинчи тажриба гуруҳи ва Чортоқ туманидаги 12-сонли умумий ўрта таълим мактабида 22 нафар ўқитувчилар Т3 – учинчи тажриба гуруҳи, 1-сонли умумий ўрта таълим мактабида 21 нафар ўқитувчилар Т4 – тўртинчи тажриба гуруҳи сифатида белгиланди. Назорат гуруҳида 42 нафар, тажриба гуруҳида 91 нафар, жами 133 нафар ўқитувчилар иштирок этди. Назорат гуруҳи ўқитувчилари учун 10 соатга мўлжалланган қисқа муддатли маъруза курси, тажриба гуруҳлари учун эса 10 соатга мўлжалланган маъруза ва 10 соатга мўлжалланган амалий машғулотлар ташкил этилди.

Назорат гуруҳларида амалий машғулотларни ташкил этишда таълим жараёнини самарали ташкил этишнинг асосий шартларидан бўлган шахсий-йўналтирилган таълимий муҳитни вужудга келтириш, тингловчиларни ҳам таълим жараёни субъекти сифатида, ҳам тингловчи сифатида субъективлигини ошириш, субъект-субъект муносабатларини шакллантиришга эътибор кучайтирилди.

Тажриба гуруҳлари тингловчилари учун маъруза, амалий машғулот, семинар-тренинг жараёнларини лойихалаштиришда мавзуларнинг изчиллиги асосида узвийлигини таъминлаш ва мавзуларнинг мазмун-моҳиятига кўра боғлиқлиги ва алоқадорлигини тингловчиларга тушунтириш, тингловчиларнинг субъективлиги ва фаоллигини ошириш каби омиллар инобатга олинди. Шунингдек, тингловчиларга ўқув жараёнигача бўлган даврда савол ва топшириқлардан иборат тарқатма материаллар тарқатилди, тингловчилар маъруза матнлари ва адабиётлар билан таъминланди, амалий машғулотлар асосан тингловчилар томонидан бошқарилишига ҳаракат қилинди.

Педагогик тажриба-синов ишининг таълимий босқичида тингловчиларда таълим ва тарбия жараёнларини инновацион ёндашувлар асосида ташкил этиш ва бошқариш йўналишида зарурий билим, кўникма ва малакаларни шаклландирилган даражасини мунтазам аниқлаб бориш ва қўлланилаётган ўқитиш методларини самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажриба гуруҳи тингловчилари ўртасида анкета сўровлари ва индивидуал суҳбатлар амалга оширилди.

Шунингдек, курснинг якунида кириш тест синовларида фойдаланилган тест саволларидан фойдаланиб, ҳар бир мавзу бўйича 2 тадан тест саволи бериш асосида якуний баҳолаш, яъни таълим жараёнида тингловчиларнинг ўзлаштирган тушунчалари, билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш мақсадида якуний тест синовлари ўтказилди. Амалга оширилган тест синовларининг натижалари таклиф этилган ўқув дастурини тингловчилар томонидан муваффақиятли ўзлаштирилганлигини кўрсатди, якуний тест синовларининг натижалари қуйидаги жадвалда (1-жадвал) келтирилган.

Тингловчиларнинг якуний тест синовлари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари

1-жадвал

| № | Мавзулар | Жавобларнинг ҳолати ва кўрсаткичлари | | | | | |
|---|--|--------------------------------------|-------------------|---------------|---------------------------------|-------------------|---------------|
| | | Тажриба гуруҳи жами –430нафар | | | Назорат гуруҳи жами – 419 нафар | | |
| | | тўлиқ мос келади; | қисман мос келади | мос келмайди. | тўлиқ мос келади; | қисман мос келади | мос келмайди. |
| 1 | Таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим ва тарбия жараёнлари ва уларнинг тизимга хос хусусиятлари, педагогик тизим. | 260 | 94 | 76 | 127 | 148 | 144 |


| | | | | | | | |
|----|---|-----|-----|----|-----|-----|-----|
| 2 | Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда инновациялар | 248 | 104 | 78 | 117 | 154 | 148 |
| 3 | Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришга замонавий ёндашувлар | 255 | 95 | 80 | 118 | 152 | 149 |
| 4 | Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда мотивлаштириш | 253 | 103 | 74 | 126 | 150 | 143 |
| 5 | Таълим ва тарбия жараёнлари самарадорлиги | 256 | 101 | 73 | 119 | 155 | 145 |
| 6 | Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда ахборотлар ва коммуникация | 252 | 97 | 81 | 125 | 147 | 147 |
| 7 | Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг функция ва методлари | 259 | 93 | 78 | 120 | 153 | 146 |
| 8 | Узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш | 249 | 105 | 76 | 124 | 149 | 146 |
| 9 | Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда раҳбарлик услубларидан фойдаланиш | 256 | 96 | 78 | 121 | 156 | 142 |
| 10 | Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш жараёнини такомиллаштириш | 252 | 102 | 76 | 123 | 146 | 150 |
| | Ўртачаси | 254 | 99 | 77 | 122 | 151 | 146 |

Умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш юзасидан ўтказилган тадқиқот бўйича якуний тақсимот (сон ва фоизларда)

| Гуруҳлар | Тингловчилар сони | Тест синовии натижалари | | |
|----------------|-------------------|-------------------------|-------------------|--------------|
| | | тўлиқ мос келади | қисман мос келади | мос келмайди |
| Тажриба гуруҳи | 430 | 254 59 | 99 23 | 77 18 |
| Назорат гуруҳи | 419 | 122 29 | 151 36 | 146 35 |

Тажриба-синов натижалари таҳлиliga кўра, тадқиқот жараёнига жалб этилган УЎТМ ўқитувчиларининг таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги тушунчаларини ривожлантириш бўйича тажриба гуруҳидаги тингловчиларнинг статистик кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан билим, кўникма ва малакалари самарали шаклланганлиги аниқланди. Бу ҳолатни объектив баҳолаш учун статистик таҳлил амалга оширилади, аниқлаштирилган хулосагина тажриба-синов ишларининг илмий, педагогик, технологик ва методик жиҳатдан тўғри самарали олиб борилганини тасдиқлайди. Тажриба-синов даврида ҳам статистик таҳлилни амалга ошириш учун Стьюдент ва Пирсон методлари танланди. Мазкур метод икки гуруҳда қайд этилган кўрсаткичларни аниқлаш ва объектив баҳолаш имконига эга. Математик статистик методнинг моҳиятига кўра дастлабки босқичдаги каби тажриба ва назорат гуруҳларида қайд этилган танланмалар сифатида белгиланиб тўлиқ мос келади, қисман мос келади, мос келмайди даражалар бўйича вариацион қаторларни ҳосил қилиш лозим бўлади.

Юқоридаги жадвал маълумотларини таққослаш мақсадида куйидаги диаграммани ҳосил қиламиз:



3.4-расм. Умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш даражасининг диаграммаси

Чизилган диаграмманинг ҳар бири статистик жадвал нормал тақсимотга эга бўлган бош тўпламлардан олинганлиги ҳақидаги фараз-гипотезани олдинга суриш мумкин эканлигини кўрсатади. Диаграммадан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳидаги кўрсаткичлар назорат гуруҳидаги кўрсаткичларидан юқори экан. Энди 2- жадвал маълумотларини математик статистик таҳлил қиламиз.

Тажриба гуруҳидаги статистик кўрсаткичлар ва УЎТМ ўқитувчиларининг сонини мос равишда X_i, n_i лар ва шу каби назорат гуруҳидаги статистик кўрсаткичлар ва УЎТМ ўқитувчиларининг сонини мос равишда Y_j, m_j лар орқали белгилаб, статистик гуруҳланган вариацион қаторлар тузилади. Шунингдек, УЎТМ ўқитувчиларининг тўлиқ мос келади деган кўрсаткичини 3 балл билан, қисман мос келади деган кўрсаткичини эса 2 балл билан мос келмайди деган кўрсаткичини 1 балл билан белгилаймиз.

Тажриба гуруҳидаги ўқитувчилар сони $n=430$ кейинги назорат гуруҳидаги ўқитувчилар сони $m=419$ бўлиб, биз бу сонларни x_i ва y_j вариантларга мос статистик танланмалар ҳажмлари деб қараймиз.

Демак, 3.2-жадвалдан қуйидаги икки вариацион қаторларни тузиб оламиз:

$$(n = n_1 + n_2 + n_3 \text{ ва } m = m_1 + m_2 + m_3):$$

Тажриба гуруҳининг ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$(1) \begin{cases} X_i & 3 & 2 & 1 \\ n_i & 254 & 99 & 77 \end{cases} \quad n = \sum_{i=1}^3 n_i = 430$$

$$(n = n_1 + n_2 + n_3)$$

Назорат гуруҳининг ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$(2) \begin{cases} Y_j & 3 & 2 & 1 \\ m_j & 122 & 151 & 146 \end{cases} \quad m = \sum_{j=1}^3 m_j = 419$$

$$(m = m_1 + m_2 + m_3)$$

Статистик таҳлил ўтказишни қулайлаштириш мақсадида юқоридаги вариацион қаторлардан n_i ва m_j такрорийлик (частота)ларни мос статистик

эҳтимоллик формулалари $p_i = \frac{n_i}{n}$ ва $q_j = \frac{m_j}{m}$ асосида статистик эҳтимолликларни киритиб, қуйидаги статистик қаторларни ташкил этамиз:

$$\begin{cases} X_i & 3 & 2 & 1 \\ p_i & 0,59 & 0,23 & 0,18. \end{cases} \quad \sum_{i=1}^3 p_i = 1$$

ва

$$\begin{cases} Y_j & 3 & 2 & 1 \\ q_j & 0,29 & 0,36 & 0,35 \end{cases} \quad \sum_{j=1}^3 q_j = 1$$

Статистик таҳлилни ҳар икки синф бўйича ўртача ўзлаштиришларини ҳисоблаб, қиёслашдан бошлаймиз. Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари

қуйидаги натижаларни берди:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^3 p_i x_i = 0,59 \cdot 3 + 0,23 \cdot 2 + 0,18 \cdot 1 = 1,77 + 0,46 + 0,18 = 2,41$$

Фоизда $\bar{X} \% = \frac{2,41}{3} \cdot 100 \% = 80,3\%$

$$\bar{Y} = \sum_{i=1}^3 q_j y_j = 0,29 \cdot 3 + 0,36 \cdot 2 + 0,35 \cdot 1 = 0,87 + 0,72 + 0,35 = 1,94$$

Фоизда $\bar{Y} \% = \frac{1,94}{3} \cdot 100\% \approx 64,6\%$

Демак, тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш $(80,3 - 64,6)\% = 15,7\%$ га юқори экан. Бу эса ўз навбатида $\frac{80,3\%}{64,6\%} = 1,24$ баробар ортиқлигини англатади.

Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба яқунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўрта қийматлар, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъюдентнинг танланма мезони, Стъюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлари топилди (3-жадвал).

3-жадвал

| \bar{X} | \bar{Y} | S_x^2 | S_y^2 | C_x | C_y | $T_{x,y}$ | K | $X_{n,m}^2$ | Δ_m | Δ_k |
|-----------|-----------|---------|---------|-------|-------|-----------|-------|-------------|------------|------------|
| 2,41 | 1,94 | 0,6019 | 0,6364 | 1,56 | 1,99 | 6,65 | 845,1 | 78,37 | 0,07 | 0,08 |

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X} = 2,41$; $\bar{Y} = 1,94$; $\Delta_x = 0,07$; $\Delta_y = 0,08$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yob} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,41 - 0,07}{1,94 + 0,08} = \frac{2,34}{2,02} = 1,19 > 1;$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,41 - 0,07) - (1,94 - 0,08) = 2,34 - 1,86 = 0,48 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезонини бирдан катталиги билан ва билиш даражасини баҳолаш мезонини нолдан катталиги билан кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Ушбу натижалар замонавий таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш йўналишида қисқа муддатли курсда ўқитилган тажриба гуруҳларининг ўзлаштириш самарадорлиги назорат гуруҳларига нисбатан 15,7 % га кўпроқ ортиқлигини кўрсатади. Бу ўз навбатида, белгиланган давлат талабларига мос равишда УЎТМ ўқитувчилари ва раҳбарлари учун қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида биз таклиф этаётган таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги тушунчаларни ўқитишнинг самарали эканлигини тасдиқлайди.

Таъриба ва назорат гуруҳи тингловчиларидан олинган кириш ва чиқиш тестлари натижалари ва уларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, ўқитувчиларнинг таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги тушунчалари даражаси турлича бўлиб, ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳам ўзаро фарқ қилади. Демак, УЎТМ раҳбарлари ва ўқитувчилари учун қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларида “Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш” курсини ташкил этиш ва унда уларнинг бошланғич тушунчалари даражасини ҳисобга олиш заруриятини белгилайди.

